

**Истеъмолчи балансидаги трансформатор пункти, ҳаво ва кабель тармоғи, тақсимлаш пункти ҳамда нимстанция ва ундағы ячейкаларга техник хизмат күрсатиш бүйича**

**ШАРТНОМА №10/01-109**

Тошкент ш.

08 январь 2022 й.

«Худудий электр тармоқлари» АЖ номидан 22.06.2021 йилдаги №01-01/151-рақамли Бош ишончнома асосида иш юритувчи «Давлат ва шартномавий хизматларини ривожлантириши» филиали директори Н.А.Мейлиев, (кейинги ўринларда «Ижрочи» деб юритилиб) бир тарафдан ва “ТУРОН БАНК” АТБ номидан Ислом Сабиров асосида иш юритувчи корхона раҳбари Бошкадар Рахим, франгисори дж. А. Тасеев, (кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб юритилиб) иккинчи тарафдан истеъмолчига тегишли бўлган электр ускуналарига техник хизмат кўрсатиш бўйича куйидаги шартнома тузилди:

**1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ**

1.1. “Ижрочи” электр тармоқларига уланган “Истеъмолчи”нинг куйидаги электр ускуналарига хизмат кўрсатиш вазифасини олади:

1.1.1. Трансформатор пункти	<b>ТП №5870 2 ГКТП 2*250/10 кВ</b> ТП раками ва трансформаторлар сони кўрсатилсин
1.1.2. Ҳаво тармоғи 6-10 кВ	маркаси ва узунлиги (км) кўрсатилсин
1.1.3. Кабель тармоғи 6-10 кВ	<b>3 АПВПу (1*150) L=0,324 км</b> маркаси ва узунлиги (км) кўрсатилсин
1.1.4. Тақсимлаш пункти	Тақсимлаш пункти номи, ячейка раками кўрсатилсин
1.1.5. Нимстанция	Нимстанция номи, ячейка раками кўрсатилсин

1.2. Хизмат турлари: “Ижрочи” томонидан электр қурилмаларини техник созлигини таъминлаш, профилактика ишларини олиб бориш, носозликларни бартараф этиш ва мөёрида ишларини таъминлаш мақсадида операцион ва техник хизмат кўрсатиш ишлари амалга оширилади.

**2. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ**

**2.1. «Ижрочи»нинг ҳуқуқлари:**

2.1.1. Шартномада кўзда тутилган бажариладиган ишлар учун тўловларни талаб қилиш;

2.1.2. Электр қурилмаларини таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун зарур шароитларни яратиб беришни “Истеъмолчидан”дан талаб қилиш;

2.1.3. Агар “Истеъмолчи” “Ижрочи”нинг ушбу шартноманинг 2.2-банди “2.2.4”, “2.2.5”, “2.2.6” кичик бандларида назарда тутилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида ва асосли огохлантирганига қарамасдан, ўз муддатида яроқсиз ёки сифатсиз материални алмаштирумаса, ишни бажариш усули тўғрисидаги кўрсатмаларини ўзгартирмаса ёхуд ишнинг яроклилигини хавф остига кўядиган ҳолатларни бартараф этиш учун зарур бўлган бошқа чораларни кўрмаса, “Ижрочи” шартномани бажаришдан бош тортишга ва етказилган заарни қоплашни талаб қилишга ҳақли;

2.1.4. “Истеъмолчи” томонидан шартномада белгиланган муддатларда тўлов амалга оширилмасдан, белгиланган тўловлар кечиқтирилиб, шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда, “Ижрочи” “Истеъмолчи”ни бу ҳақда олдиндан огохлантирган ҳолда техник хизмат кўрсатишни тўхтатиш ҳукукига эга;

2.1.5. “Ижрочи” ходимлари “Истеъмолчи”нинг хизмат кўрсатиладиган қурилмаларини тўсиқсиз кўздан кечириш ва таъмирлаш ҳукукига эга.

**2.2. “Ижрочи”нинг мажбуриятлари:**

2.2.1. Ҳаражатларни ҳисоблаш (калькуляция)да кўрсатилган барча ишларни ўз вақтида бажариш;

2.2.2. Ишларни бажариш учун зарур бўлган барча техника ва бошқа воситаларни жалб этиш;

2.2.3. Барча таъмирлаш ишлари (мукаммал, жорий, авариявий) “Истеъмолчи”нинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

2.2.4. “Истеъмолчи” томонидан тақдим этилган материал, ускуналар, техник ҳужжатлар ёки кайта ишлаш (ишлов бериш) учун топширилган ашёнинг яроқсизлиги ёки сифатсизлиги ҳақида хабардор қилиш;

2.2.5. “Истеъмолчи”нинг ишни бажариш усули тўғрисидаги кўрсатмаларини бажариш унинг учун ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида хабардор қилиш;

2.2.6. “Ижрочи”га боғлик бўлмаган, бажарилётган иш натижаларининг яроклилигини хавф остига кўядиган ёхуд ишни белгиланган муддатда ниҳоясига етказиш мумкин бўлмайдиган қилиб кўядиган бошқа ҳолатлар ҳақида хабардор қилиш.

**2.3. “Истеъмолчи”нинг ҳуқуқлари:**

2.3.1. Мазкур шартномага асосан “Ижрочи”дан тасарруфидаги электр қурилмаларини таъмирлаш ишларини шартномада белгиланган муддатларда ва шартларда амалга оширишни талаб қилиш;

2.3.2. “Ижрочи”дан бажарилган ишлар бўйича аниқланган нуксон ва камчиликларни бартараф қилишни талаб қилиш;

2.3.3. “Ижрочи” томонидан амалга ошириладиган техник хизматнинг тўлиқ бажарилиши ва сифатини назорат қилиш.

**2.4. “Истеъмолчи”нинг мажбуриятлари:**

- 2.4.1. Мазкур шартномада назарда тутилган муддатларда “Ижрочи” томонидан бажарилган ишлар тўловларни ўз муддатида амалга оширади;
- 2.4.2. “Ижрочи”га ишларни бажариш учун зарур шароитларни яратиб беради;
- 2.4.3. Тасарруфидаги электр курилмаларини таъмирлаш ишларини амалга оширишда талаб этиладиган, сертификатланган янги материалларни (деталлар, курилмалар) ўзи ҳисобидан тақдим этади;
- 2.4.4. Мазкур шартноманинг амал қилиш муддати давомида “Истеъмолчи”га ўз тасарруфидаги курилмаларни фақат кечиктириб бўлмайдиган, тезкор ҳолатларда (авария, ёнгин ва бошқа фавқулотда вазиятлар) узуб улагичдан фойдаланишига рухсат берилади;
- 2.4.5. “Истеъмолчи”нинг ходимларига “Ижрочи” томонидан техник хизматлар олиб борилаётган, юқори кучланишли электр тармоқлари тақсимлаш курилмалари хонасига кириши, кабель тармоги ўтган худудда қазилма ишларини олиб бориш қатъян ман этилади;
- 2.4.6. “Истеъмолчи” ушбу шартномада белгиланган талабларга риоя қилмаганлиги оқибатида, юқорида қайд этилган объектларнинг нормал ишлари бузилган тақдирда, “Ижрочи” ва ушбу объектлардан қувватланадиган бошқа истеъмолчиларга етказилган зарар учун амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгар бўлади;
- 2.4.7. “Истеъмолчи” электр курилмалардаги барча носозликлар ҳақида дархол “Ижрочи”нинг масъул ходимларига хабар бериши лозим.

### **3. ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ УЧУН ТЎЛОВ**

3.1. Техник хизмат кўрсатиш шартномасининг 1-бандида келтирилган ишлар бўйича хизмат ҳақки

**7 032 146,08 (Етти миллион ўттиз икки минг бир юз қирқ олти сўм, 08 тийин) 15% ККС билан** сўмни ташкил қиласди.

3.2. “Истеъмолчи” “Ижрочига”га ушбу шартнома имзоланган кундан эътиборан **5** иш куни ичидан шартноманинг 3.1-бандида белгиланган умумий сўмманинг **100** фоизи микдорда олдиндан тўловни амалга оширади.

3.3. “Истеъмолчи” ишлаб турган электр курилмаларига техник хизмат кўрсатиш шартномасини календар йилининг бошида тузиши шарт. Агар шартнома йил давомида тузилган бўлса, техник хизмат кўрсатиш учун тўловлар шартнома имзоланган пайтдаги ҳисоб-китоблар (калькуляция)га асосан бутун календар йили учун тўлиқ тартибда амалга оширилади.

3.4. “Истеъмолчи” мазкур шартномада белгиланган тўловни амалга оширгандан сўнг “Ижрочи” шартноманинг 1.1-бандида белгиланган техник хизматларни кўрсатади.

### **4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

4.1. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1998 йилдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий баъзаси тўғрисида» ги Қонуни асосида тартибга солинади.

4.2. Тарафларнинг бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда қонунчиликда белгиланган тартибда айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарар микдорини қоплайди.

4.3. “Ижрочи” шартномада белгиланган мажбуриятларни бажармаганда, ёки лозим даражада бажармаганда, мажбуриятлар бажарилиши кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз микдорида “Истеъмолчи”га пеня тўлайди, бунда пеняning умумий суммаси бажарилмаган мажбуриятлар қийматининг 50 фоиздан ошмаслиги керак.

4.4. Неустойкани тўлаш тарафларни бир-бирига етказилган зарар ва бой берилган фойдани қоплашдан ҳамда шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

4.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги амалдаги қонунчилик асосида ҳал этилади.

### **5. ФОРС-МАЖОР**

5.1 Тарафлар шартномани форс-мажор ҳолатлари, яъни енгиб бўлмайдиган куч, фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий оғатлар) туфайли мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайдилар.

5.2 Содир бўлган форс-мажор ҳолатлари тўғрисида тарафлар бир-бирларини ушбу ҳолатлар юз берган ҳолда зудлик билан иккинчи тарафга хабар бериши шарт.

5.3. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатларини давомийлигини ҳисобга олиб шартномани амал қилиш муддатини узайтиришлари мумкин.

### **6. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ**

6.1. Шартнома куйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

6.1.1. Томонларнинг келишувига кўра;

6.1.2. Ваколатли органларнинг қарорларига асосан;

6.1.3. Томонларнинг ўз мажбуриятларини бажармаганликлари оқибатида.

6.2. Манфаатдор томонидан ёзма хабарнома олгандан сўнг, шартномани бекор қилиш ўзаро келишувга асосан амалга оширилади.

6.3. Шартнома бекор қилинган тақдирда, амалда бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) қиймати бўйича тўловлар ўзасидан шартнома бекор қилиш қарори кучга киргунга қадар ўзаро келишувга эришиш учун қонун доирасида чоралар кўришлари керак.

6.4. Шартномани бекор қилиш қарори кучга киргандан сўнг хеч бир томон иккинчи томонга нисбатан келтирилган зарар учун жавобгар ҳисобланмайди.

## 7. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ

7.1. Мазкур шартнома юзасидан томонлар орасида юзага келадиган барча низолар ёки келишмовчиликлар ўзаро келишув орқали хал қилинади.

7.2. Агар келишмовчиликларни музокаралар йўли билан хал этишнинг имкони бўлмаса, улар қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда суд орқали хал қилинади.

## 8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, уни томонлар имзоланган вақтдан кучга киради ва **31.12.2022 йилгача** амал қиласди.

8.2. “Ижрочи” ушбу шартноманинг 8.1-бандида кўрсатилган амал қилиш муддатигача “Истеъмолчи”нинг ишлаб турган электр курилмаларига техник хизмат кўрсатади.

8.3. Мазкур шартномага киритилган барча қўшимча ва ўзгаришилар ёзма равишда тузилиб, тарафлар имзолаган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.4. Хеч бир томон шартнома бўйича мажбуриятларини учинчи томонга иккинчи томоннинг рухсатисиз бериш хукукига эга эмас.

8.5. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган ҳолатлар амалдаги қонунчилик тартибида хал этилади.

## 9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

9.1. Тарафлар, мазкур шартнома кучга кирган пайтдан бошлаб, ўзлари, вакиллари, ходимлари, уларнинг назорати остидаги ёки таъсир кўрсатадиган бошқа шахслар томонидан келажакда, ушбу шартномани тузиш ҳамда бажариш билан боғлиқ ҳар қандай турдаги ноқонуний пул ва бошқа имтиёзларни таклиф, талаб қиласликларини, шунингдек қабул қиласликларини кафолатлайдилар.

9.2. Тарафлар ушбу шартноманинг амал қилиш муддати давомида қўйида келтирилган қоидаларга риоя килишлари ва ўз вакиллари, ходимлари ва уларнинг назорати остидаги ёки таъсир кўрсатадиган бошқа учинчи шахслар томонидан мазкур қоидаларга амал қилиниши борасида оқилона чоралар кўриш мажбуриятини оладилар.

9.3. Тарафлар шартноманинг амал қилиш муддати давомида қўйидаги ҳаракатларни ўзлари, шу жумладан учинчи шахслар орқали хеч қандай шаклда амалга оширмасликни ўз зиммаларига оладилар:

а) пораҳўрлик-тижорат ёки бошқа турдаги ноқонуний устунликни олиш ёки саклаб қолиш мақсадида юкорида кайд этилган шахслар ёки бошқа шахслар томонидан қонунга хилоф равишида мулкий фойда олиш, бериш, ўтказиш, рухсат бериш;

б) пора талаб қилиш ёки пора беришга ундаш-рад этилган тақдирда таҳдид билан боғлиқ бўлмаган пора талаби;

в) ваколатларни сунестемол қилиш-тижорат ёки бошқа ташкилотда бошқарув функцияларини бажарувчи шахс ўз ваколатларини ушбу ташкилотнинг қонуний манфаатларига зид равишида ўзи ёки бошқалар фойда олиши ёки зарар етказиш мақсадида ишлатиши;

г) юкорида айтиб ўтилган коррупция амалиётидан тушган даромадларни легаллаштириш, жиноий келиб чиқиши, манбаси, жойлашган жойи, тасарруф этиш усули, кўчириши ёки мулкка эгалик қилишини яшириш, агар бундай мулк жиноятлардан олинган даромад эканлиги маълум бўлса;

д) Ушбу шартнома тарафлари амалдаги коррупцияга қарши қонун ҳужжатларини бузадиган бошқа ҳаракатларни содир этган тақдирда, тегишли тараф зудлик билан бошқа тарафни Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши қонун ҳужжатларида белгиланган қўшимча таъқиқлар тўғрисида ёзма равишида хабардор қилиши шарт.

9.4. Коррупцияга оид ҳар бир ҳолат юзасидан тегишли тарафни зудлик билан ёзма равишида хабардор қилиши, ташкилотда ишбилиармонлик этикаси қоидаларига риоя қилиш, муросасизликни тарғиб қилиши шарт.

9.5. Тарафлар шартномани тўхтатиб туриши ёки бекор қилиши учун асос ушбу шартноманинг 9.3-бандида кўрсатилган ҳолатлар суднинг қонуний кучга кирган карори билан тасдиқланган бўлиши шартлиги тўғрисида келишиб олдилар.

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЎРИДИК МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ИЖРОЧИ:

“Худудий электр тармоқлари” АЖ  
“Давлат ва шартномавий хизматларни ривожлантириш” филиали  
100047, Тошкент шаҳар Миробод тумани  
А. Темур шоҳ кўчаси 4-үй  
Х/Р: 2021 0000 9050 6317 2004  
«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Миробод  
филиали, МФО 00405  
СТИР 306 350 099 ОКЭД 35140


Н.А.Мейлиев  
(рахбар Ф.И.О)

м.у.

2022 йил 08 январь

ИСТЕЪМОЛЧИ:

“  
Манзил \_\_\_\_\_  
Телефон \_\_\_\_\_  
Х/р \_\_\_\_\_  
Банк \_\_\_\_\_  
МФО \_\_\_\_\_ ОКЭД \_\_\_\_\_  
СТИР \_\_\_\_\_



\_\_\_\_\_  
(имзо)  
\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

